


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм



3/2024

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги
03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИМОН МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.org

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi 4

Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари 17

Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи 25

Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни 32

Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari 47

Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

ДИНШУНОСЛИК

Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари 62

Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи 83

Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яхё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти 97

Shukrullo R. JORAYEV,
Head of the Department, Imam Maturidi
International Scientific Research Center, PhD.
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: jurayev1982@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/2

ХАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРЛАНИШИ ҲАМДА УРУШ ВА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

THE VALUATION OF PEACE AND PRINCIPLES OF HUMANITARIANISM IN TIMES OF WAR AND CONFLICT IN THE HANAFI MADHAB

ЦЕННОСТЬ МИРА И ПРИНЦИПЫ ГУМАНОСТИ В УСЛОВИЯХ ВОЙНЫ И КОНФЛИКТНЫХ СИТУАЦИЙ В ХАНАФИТСКОМ МАЗХАБЕ

КИРИШ

Бугунги кунда тинчлик ва хавфсизлик масалалари жаҳон миқёсида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсоният тарихида юз берган урушлар аҳоли учун ҳар доим катта машаққатлар ва талофатлар келтириб чиқаргани сабабли ҳар бир даврда тинчликка нисбатан энг қадрли неъмат сифатида қаралган. Дарҳақиқат, зиддиятлар ва можаролар наинки давлатлар ўртасида, балки жамиятнинг энг заиф қатламларига ҳам оғир зарба бўлиб тегади. Шу боис, ҳар қандай мафкура ёки диннинг тинчликка чакирувчи қоидалари муҳим аҳамият касб этади.

Ислом дини, айниқса, ҳанафий мазҳабида ҳам урушларнинг олдини олиш ва тинчликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳанафий мазҳаби фақиҳлари уруш жараёнларида инсонпарварлик қоидаларига амал қилиш, хусусан, тинч аҳоли вакилларининг ҳимоя қилинишига катта аҳамият берганлар. Улар тарафидан ишлаб чиқилган қоидалар, уруш пайтида ҳам инсонийликка амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, можароларнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлаш ислом ҳуқуқи асосларидан бири бўлиб, бугунги глобал гуманитар ҳуқуқ қоидаларига ҳам уйғун келади.

Хусусан, ҳанафий мазҳабининг ғоявий раҳнамоларидан саналган Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида ўн уч аср илгари тасниф этган қоидалар ҳам мусулмонларнинг ўзга дин вакилларига бўлган муносабатлари ҳамда улар билан уруш ва тинчлик даврида ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришига қаратилган. Шу билан бирга, динлар ва миллатларaro келишмовчилик ва низоли вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатда урушларни олдини олиш, мабодо, уруш кузатиладиган бўлса, уни тартибга солиш ҳамда турли ваҳшийликлардан сақланиш масалалари ҳам ҳанафий мазҳабининг мўътабар асарларида ўз аксини топган (Сарахсий, 1997). Аслида, ҳеч бир дин уруш тарафдори эмас аксинча, барча динлар тинчлик тарафдори, бу масалада ислом дини энг олдинги ўринда туради, дейилса муболаға бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом динининг бош манбаси бўлмиш Қуръони каримнинг «Анфол» сураси 61-оятда мусулмонларнинг урушни олдини олиш ва сулҳни қабул қилишга даъват этилган. Шунингдек, Қуръони каримда диний жамоалар, халқлар элатлар ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқариш, кескинлаштириш мақсадида бузғунчилик билан шуғулланиш, жамоалар, халқларнинг бири устидан иккинчиси ҳукмронлигини ўрнатиши, бир-бирларига зулм ўтказиши, тинч-тотувлик туйғусидаги келишувларга риоя қилмаслик қораланади (Мансур, 2016). Ўз навбатида, бундай ҳатти-ҳаракатлар оғир жиноят ҳисобланади. Уларни содир қилган кишилар бу дунёда ва у дунёда жавобгарликка тортилиши қайд этилади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Макка даврида нозил бўлган оятларнинг бирортасида ҳам мусулмонларга ўзгалар билан урушиш ёки жанг маъносида низолашувга руҳсат берилмаган. Аксинча, ҳар қандай ҳолатда ҳам мусулмонларга қарши чиққан ва азоб берганларга чиройли сўзлар билан жавоб бериш тавсия қилинган.

Душманликни бошлаган тараф мусулмонлар бўлмаса-да, Қуръони карим уларни сабрли бўлишга чақирган. Шунингдек, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, урушдан тийилиш, ваъз-насихат билан душманга қарши «маънавий жиҳод» олиб боришни мусулмонларга тавсия қилган. Қолаверса, Макка даврида жиҳод тушунчаси тилга олинган оятларнинг ҳеч бирида жиҳод қуролли кураш маъносида ишлатилмаган.

Аннотация. Мазкур мақолада ҳанафий мазҳабида уруш ва тинчлик масалалари, хусусан, Муҳаммад Шайбонийнинг асарлари асосида таҳлил қилинади. Ислом ҳуқуқи доирасида урушни тартибга солиши, унинг меъёр ва қоидалари, урушнинг олдини олишга қаратилган фикҳий ҳукмлар кенг муҳокама қилинади. Мақолада тинч аҳоли, болалар, аёллар ва кексаларнинг уруш пайтида ҳимоя қилиниши зарурлиги ҳақидаги ислом ҳуқуқи қоидаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, мақолада ҳанафий мазҳаби фақиҳлари томонидан ишлаб чиқилган уруш қоидаларининг замонавий халқаро гуманитар ҳуқуқ билан уйғунлиги таҳлил этилади. Муаллиф ислом динининг инсонпарварлик ва тинчликни сақлашга қаратилган тамойилларини таъкидлаб, уруш жараёнида ҳам инсонийликка амал қилиши муҳимлигини кўрсатади. Мақолада ҳанафий мазҳабининг уруш ва тинчликка оид меъёрлари ўрганилган ва уларнинг бугунги кун халқаро ҳуқуқи доирасида ҳам аҳамиятли экани таъкидланади.

Мазкур тадқиқот урушлар ва можароларнинг олдини олиш, уруш давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши борасидаги ҳанафий мазҳабининг таъсирини янада чуқурроқ англатишга қаратилган.

Калим сўзлар: Ислом, тинчлик, уруш, низо, ҳанафий мазҳаб, Муҳаммад Шайбоний, инсонпарварлик, тинч аҳоли, дахлсизлик, халқаро гуманитар ҳуқуқ, фикҳ, дор ал-ҳарб, дор ал-аҳд, тинчликпарварлик адолат.

Abstract. This article analyzes the issues of war and peace in the Hanafi school, particularly on the basis of the works of Muhammad Shaybani. It provides a comprehensive discussion on the regulation of warfare in Islamic law, the norms and rules governing conflict, and the fiqh-based rulings aimed at preventing war. The article emphasizes the protection of civilians, including children, women, and the elderly, during times of war, as enshrined in Islamic legal principles.

Additionally, the article explores the compatibility of the war-related rules established by Hanafi jurists with modern international humanitarian law. The author highlights the humanitarian and peace-preserving principles of Islam, demonstrating the importance of maintaining humane conduct even during armed conflicts. The study also underscores the relevance of the Hanafi legal norms concerning war and peace in contemporary international law.

This research aims to deepen the understanding of the Hanafi school's influence on preventing wars, protecting human rights during conflicts, and its significance in today's legal framework.

Keywords: Islam, peace, war, conflict, hanafi school, Muhammad Shaybani, humanitarianism, civilian population, immunity, international humanitarian law, fiqh, dar al-harb, dar al-ahd, pacifism, justice.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы войны и мира в ханафитском мазхабе на основе трудов Мухаммада Шайбани. Подробно анализируются в рамках исламского права вопросы регулирования войны, ее нормы и правила, а также фетвы, направленные на предотвращение вооруженных конфликтов. Особое внимание уделяется нормам исламского права, касающимся защиты мирных жителей, детей, женщин и пожилых людей в период войны.

Кроме того, в статье проводится анализ соответствия норм войны, разработанных факихами ханафитского мазхаба, с современным международным гуманитарным правом. Автор подчеркивает гуманистические принципы ислама, ориентированные на сохранение мира и гуманности, и отмечает важность соблюдения этих принципов даже в условиях войны. В статье исследуются нормы ханафитского мазхаба, регулирующие вопросы войны и мира, и утверждается, что они остаются актуальными и значимыми в контексте современного международного права.

Данное исследование направлено на более глубокое понимание влияния ханафитского мазхаба в вопросах предотвращения войн и конфликтов, а также защиты прав человека в ходе военных действий.

Ключевые слова: ислам, мир, война, конфликт, ханафитский мазхаб, Мухаммад Шайбани, гуманизм, гражданское население, неприкосновенность, международное гуманитарное право, фикх, дар аль-харб, дар аль-ахд, миротворчество, справедливость

Қурол билан жанг қилиш мазмунида нозил бўлган оятлар Мадина даври билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат ҳам вазият тақозоси ва шароитининг талабидир. Яъни, мусулмонлар қўлига қурол олиб жанг қилмаса, муқаррар душман хатари уларнинг тинчлигига раҳна солиш эҳтимоли мавжуд эди. Шунда ҳам Қуръон мусулмонларнинг кимга

қарши қуролли кураш олиб бориши мумкин эканини белгилаб берган. Унга қўра, мусулмонлар ўзлари билан урушганлар ҳужумини даф этиш мақсадида жанг қилишлари мумкин. Ноҳақ ҳужум қилиш ва тажовузкорликдан эса қайтарилган. Шунингдек, қуролли кураш қувғин ва таъкибга учраган заиф одамларни ҳимоя

қилиш, келишувларни бузиш орқали хавфсиз муҳит ва эҳтимолий хавфни юзага келтиришнинг олдини олиш каби сабабларга кўра ҳам қонуний деб топилиши назарда тутилган.

Шундай бўлсада, бугунги кунда фикҳда кўрсатилган уруш билан боғлиқ қоидаларни нотўғри талқин қилиш ёки Пайғамбар (а.с.) даврида бўлиб ўтган урушларни ноҳолис баҳолаш ҳолатлари ҳам кузатилади. Айниқса, Ғарб матбуотида исломофобияни ривожлантириш мақсадида «ислом қиличлар соясида тарқалган», «ислом террор дини» каби асосиз маълумотлар тарқатилади. Жумладан, АҚШлик ёзувчи Роберт Спенсер (1962) каби муаллифлар мантиғига кўра, «жиход ғояси остида курашаётган террорчи гуруҳлар исломнинг моҳиятини бузиб кўрсатмайди, балки ислом динининг асли ўзи шундай». Р.Спенсер ўз асарларида қуйидагича ғояларни асослашга интилган:

Муҳаммад пайғамбар ўз издошларига тинчлик ва бағрикенгликни ўргатмаган, балки душманларини ўлдиришга буйруқ берган, жиходдан яхшироқ ва муқаддасроқ нарса йўқлигини таълим берган;

Қуръон мусулмонларни яҳудий ва насронийларга қарши мунтазам уруш қилишга буюради;

Муҳаммад пайғамбар даврида мусулмонлар олиб борган урушлар мудофаа эмас, балки ҳужумкор бўлиб, бугунги кунда «Ислом олами» деб аталадиган худудлар бир қатор мусулмон бўлмаган халқлар яшайдиган ерларни шафқатсизларча босиб олиниши натижасида вужудга келган, каби фитна тарқатишга сабаб бўлувчи фикрлар илгари сурилган (R.Spencer, 2005).

Шунингдек, у исломофобияга йўналтирилган «Муҳаммад: уруш пайғамбари», «Қуръон: уруш китоби», «Ислом: уруш дини», «Ислом мурасимсизлик дини», «Жиход тарихи: Муҳаммаддан ИШИДгача» каби асарларнинг ҳам муаллифи саналади.

МУҲОКАМА

Бу каби ҳолатнинг келиб чиқишига Яқин Шарқ давлатларида кузатилган уруш жанжаллар, террорчи гуруҳларнинг ўз жиноий ҳаракатларини ислом номи билан амалга оширгани сабаб бўлган. Шу билан бирга, айрим мутаассиб шахслар томонидан Муҳаммад (а.с.) даврида юз берган уруш билан боғлиқ ҳолатларга ноҳолис

баҳо бериш ва Қуръонда келган уруш ҳақидаги оятларни бир ёқлама талқин қилиш, «жиход исломнинг олтинчи аркони», деган ёлғон маълумотларни тарқатиш ҳамда амалиётда қўллашга интилиш ҳам муайян маънода шу каби тушунчаларнинг тарқалишига туртки бўлган. Бу каби ҳолатларга чек қўйиш учун, албатта, фикҳдаги асл манбаларга мурожаат қилиш, ислом илмларини холисона ўрганиш ва инсонларнинг диний-маърифий соҳадаги қарашларини тўғри шакллантириш талаб этилади.

Шуниси эътиборлики, бугунги кунда Ғарб мутахассислари томонидан ислом ҳукуки халқаро муносабатларига доир қоидаларни объектив тадқиқ этиш, ислом фикҳи ва мутаассиб гуруҳлар талқинидаги диний қоидаларни бир-биридан алоҳида ўрганиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган террорчилик амалиётидан сўнг америкалик профессор Яқин Шарқ ва диншунослик фанлари бўйича мутахассис Жон Эспозито кейин «Unholy War: Terror in the Name of Islam» (Муқаддас бўлмаган уруш. Ислом номидан террор) деб номланган асарини нашр этди. Унда террорчи гуруҳлар талқинидаги жиход ҳаракатларидан фарқли тарзда ислом ҳукукидаги уруш аъъаналарининг шаклланиши аниқ тарихий ва сиёсий шароитларда содир бўлганини таъкидлаган.

Профессор Ж.Эспозитонинг таъкидлашича, ислом тарихида уруш билан боғлиқ меъёрларнинг шаклланиши ва моҳиятини ҳисобга олмаслик ҳамда урушларни тарихнинг муайян даврлари ва у пайдо бўлган халқаро муносабатлар парадигмаси билан боғламаслик гўёки, ислом дини урушни оқлайди, деган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин (Esposito, 2014). Хусусан, баъзи ғарблик мутахассислар томонидан мусулмонлар билан тузилган келишувга хиёнат қилгани учун Бани Қурайза қабиласига нисбатан ислом дини қўллаган ҳукми адолатсизлик, ҳаттоки, геноцид сифатида баҳолайдиганлар ҳам кузатилади (Wikipedia). Лекин, Бани Қурайза қабиласининг кескин ҳукм қилиниши билан боғлиқ масалага баҳо беришдан олдин ўша вазият ҳақида объектив ўрганиш зарур бўлади.

Ислом тарихидан маълумки, Муҳаммад (а.с.) «Хандақ жанги»да мусулмонларга хоинлик қилгани ва душманларни қўллаб-қувватлагани учун 627 йилнинг апрель ойида Бану Қурайза қабиласини ўз қалъаларида икки ҳафтадан ортик қамал қилди. Ниҳоят, қабила қамалдан чиқиш

ва сулх тузишга мажбур бўлди. Шу мақсадда, Бану Қурайза вакиллари курайзаликлар билан илгари ахдлашган Авс қабиласининг улуғларидан бўлган Саъд ибн Муозни ҳакамлик қилишини талаб этишди (Мовардий, 1994). Саъд Ибн Муоз эса Бану курайзалик барча маҳкумларни (жанг қилишга қодир бўлган эркакларни) ўлдиришга буюрди.

Манбаларда бу фармон натижасида қатл этилган эркакларнинг адади турлича, яъни 200-800 нафар атрофида, деб келтирилади (Ҳишом, 1993). Эътиборли жиҳати шундаки, бу ҳукмга қабила вакиллари томонидан адолатсизлик сифатида қаршилиқ кўрсатилмаган (Armstrong, 2006). Мутахассислар бунга асосий сабаб сифатида мазкур ҳукм Бану Қурайзанинг диний қоидаларига (Тавротга) мувофиқ белгилангани таъкидлашган (Hammīdullāh, 1968).

Ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга кўра уруш олиб боришнинг асосий сабаби эътиқодий тафовут эмас, яъни шахс бошқа динга мансуб бўлгани учун у билан жанг олиб бориш талаб этилмайди. Балки, уруш олиб боришнинг асосий омили душманнинг тажовузидир. Фақиҳлар бунга далил сифатида Муҳаммад (а.с.) томонидан айтилган урушда дахлсизлик мақомини олган беш тоифа вакиллари ҳақидаги ҳадисини келтиришади (ал-Байҳақий, 1994). Унга кўра, аёллар, болалар, кексалар, руҳонийлар ва осифлар, яъни урушга мажбуран ёлланган кўр, қар ва бошқа ногиронлиги бўлган кишилар ўзга дин вакили бўлсаларда, улар билан урушилмайди ҳамда ўлдирилмайди.

Бундан ташқари, фақиҳлар уруш нишонига айланмайдиган тоифаларни қиёс методологияси асосида кенгайтирганлар. Яъни, жанг олиб бориш мумкин бўлган томонлар аниқлаштирилиб, бу тоифага кирмайдиганларга қурол билан таҳдид қилинмайди, деганлар (al-Dowudī., 2011).

Аслида, ислом ҳуқуқида, хусусан, ханафийлик мазҳабида кўра, уруш ҳолатини келтириб чиқариш, ўзгаларни жонига қасд қилиш, жанг асносида ҳам аёллар ва болаларга қурол ўқталишдан қайтарилган. Фақиҳлар бу ҳақида Муҳаммад (а.с.)дан ривоят қилинган ҳадисга мувофиқ беш тоифа вакиллари, аёллар, болалар, кексалар, руҳонийлар ва осифларни ўлдирилмасликка иттифоқ қилишган (ал-Байҳақий, 1994).

Хусусан, «ас-Сияр ал-кабир»да келтирилишича, урушда фақат жангчилар билан жанг қилинади, аёллар, болалар, руҳонийлар, қариялар, ақли заифлар, деҳқонлар, қуллар, кўрлар ва бошқа ҳарбий бўлмаганлар урушда ўлдирилмайди. Муҳаммад Шайбонийнинг қарашларига кўра, аёл киши қурол билан ҳужум қилсагина, мусулмон аскар ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унга зарар етказиш мумкин. Агар, аёлни қуролсизлантириш имкони бўлса, унга зарар етказиш ҳам мумкин эмас (Шайбоний, 1997).

Бундан ташқари, Муҳаммад Шайбоний аёллар одатда аскарлар сафида урушга чиқмаслиги, душман сифатида бостириб келмаслигини ҳисобга олиб, улар ўлдирилмайди, деб хулоса берган. У ўз фикрига Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги «Сизларга қарши жанг қилганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилинганлар» (190-оят) оятини далил сифатида келтиради (Шайбоний, 1997).

Бу масалада фақиҳларнинг қарашлари ҳар хил. Хусусан, моликий мазҳаби фақиҳларидан бўлган Аҳмад Қарофий (ваф.684/1285) ва бошқа фақиҳлар ҳам жанглар асносида аёллар билан боғлиқ фикҳий ҳолатлар бўйича ўз фикрларини билдиришган. Хусусан, Ибн Қудома «аннаҳа лā тукāтил» (аёл урушмайди), яъни урушувчилар тоифасига кирмайди ва шу сабабли ҳам улар ўлдирилмайди, деб изоҳлайди (Qudāmah, 1928). Имом Ғаззолий эса аёллар жанг аҳли эмас ва улар жангга ярамайди, деб айтиб ўтган (ал-Ғаззолий, 1997).

Бироқ, Имом Шофеий (ваф.204/820) ва Ибн Ҳазм (ваф.456/1064) томонидан қўллаб-қувватланган фикрга кўра душман томонида туриб жангда қатнашган аёллар жизя тўлаши шарт қилинади. Аммо, Шофеийнинг қўшимча қилишича, ибодат билан машғул бўлган ва уруш ҳаракатларида иштирок этмаган руҳонийларни нишонга олиш жоиз эмас. Ибн Ҳазм эса жангларда аёллар ва болаларнинг дахлсиз эканини таъкидлаган.

Болаларнинг жангларда иштирокига тўхталган фақиҳлар ёш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Унга кўра, фақиҳлар болаларга нисбатан дахлсизлик ҳуқуқининг ёш чегараси 15 ёш, деб ҳисоблашган. Бунга Муҳаммад (а.с.)нинг Бадр жангида 14 ёшга тўлган бола жангда иштирок этиш учун келганида қабул қилмаганларини далил сифатида келтиришади (Шайбоний, 1997). Эътиборли жиҳати,

дахлсизлик ёши масаласидаги фақиҳларнинг тўхтамаи замонавий халқаро ҳуқуқда белгиланган ёш чегараси билан ҳамоҳанг келади. Уруш билан боғлиқ халқаро гуманитар қоидалар ўз ифодасини топган 1977 йил 8 июндаги Женева конвенциясининг I қўшимча протоколида болаларни ҳимоя қилиш учун белгиланган ёш чегарасининг энг кам миқдори 15 ёш, деб кўрсатиб ўтилган (Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, 1949).

Аёллар ва болаларнинг дахлсизлиги борасида фикр билдирган фақиҳлар агар аёл киши урушда жангчи сифатида иштирок этса, унга нисбатан қурол ишлатиш мумкин экани ҳақида айтиб ўтганлар. Бунга далил сифатида «Хунайн жанги»да (8/630) мусулмонлардан бўлган аскар аёл кишини қатл қилгани учун Муҳаммад (а.с.) томонидан сўроққа тутилганида, аёл қиличдан фойдаланиб, унга ҳужум қилмоқчи бўлгани ўлдиришга сабаб сифатида келтирилган. Шундай бўлсада, Муҳаммад Шайбонийнинг «ас-Сияр ал-кабир»да келтирган фикрига кўра аёлни зарарсизлантириш имкони бўлса, ўлдирмаслик керак дейилади (Шайбоний, 1997).

Бундан ташқари, урушда дахлсиз ҳисобланувчи тоифалардан бири – кексалар ҳақида ҳам фақиҳлар орасида фикрлар турличадир. Аввало, неча ёш оралиғидаги шахслар кекса дейилади, деган масала бўйича фақиҳлар ўртасида ихтилофлар кўзга ташланади. Муҳаммад Шайбоний асарларида бу борада аниқ ёш илгари сурилмаган бўлсада, айрим фақиҳлар кекса дейиш учун муайян ёшни белгилаганлар. Жумладан, шофеий мазҳабининг фақиҳларидан бўлган имом Санъоний (1099/1688 - 1182/1768) шахсни кекса, деб аташ учун у камида 50 ёшга тўлган бўлиши керак, деган фикрни илгари сурган. Лекин, умумий қараш сифатида шахсининг урушда дахлсиз, деб топилиши учун у қурол кўтаришга ярамайдиган даражада кексалик ҳолатида бўлиши ва албатта, уруш жараёнларида иштирок этмаслиги шарт қилинади.

Хусусан, Муҳаммад Шайбоний ҳам бу фикрни қувватлаган (Шайбоний, 1997). Шунга қарамай ханафийлардан фарқли тарзда Имом Шофеий ва Ибн Ҳазм кексалар жизя тўлаши шарт, деган фикрни таъкидлаган (al-Shāfi‘ī, 1962). Ҳанбалий мазҳаби вакилларида саналган Шавконий (1173/1759-1255/1839) эса

душман қўшинини қўллаб-қувватлаганда ҳам қарияларнинг дахлсизлик ҳуқуқи сақланиб қолади, деган тўхтамага келган (Al-Shawkānī, 1952). У Муҳаммад (а.с.)нинг урушда дахлсиз бўлган беш тоифа ҳақидаги ҳадисига таянган. Кўпчилик фақиҳлар эса 100 ёшдан ошган бўлсада, «Хунайн жанги»да (8/630) иштирок этган Дурайд ибн Умманинг мусулмонлар томонидан ўлдирилгани жанг ҳаракатларида қатнашган кексалардан дахлсизлик ҳуқуқи олиб ташланишига далил сифатида келтирилганлар (al-Dawudi., 2011). Қариялар масаласида умумий фикр шуки, агар кекса ёшдаги кимса уруш ҳаракатларида иштирок этса, унда дахлсизлик ҳуқуқи мавжуд бўлмайди.

НАТИЖА

Муҳаммад Шайбонийнинг «ас-Сияр ал-кабир» асарида уруш ва низоли вазиятларда ўзини дин хизматида бағишлаган роҳиблар ва зоҳидлар ҳам дахлсиз ҳисобланиши ҳамда уларга нисбатан қурол кўтарилмаслигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Аммо, баъзи фақиҳлар ўзга динга эътиқод қилувчи ва шуни тарғиб қилувчи роҳиблар одамларни ислом динидан адаштиради. Шу сабабли уларни ҳам жангда ўлдириш мумкин, деган фикрни айтиб ўтишган. Имом Муҳаммад эса бу масалага тўхталиб, «роҳиблар инсонларни тўғри йўлдан адаштиришга воситачи» деган сўзлар улар жанг олиб бормаса ҳам ўлдириш керак эканини англамайди. Дин ва эътиқод масаласини Аллоҳнинг ўзи ҳисоб-китоб қилади, энг асосийси, зулмдан сақланиш керак, дея таъкидлаган (Шайбоний, 1997).

Муҳаммад Шайбоний ўз фикрларини Пайғамбар (а.с.)нинг ҳадислари, шунингдек, халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Язид ибн Абу Суфённи қўшинга бошлиқ этиб жангга кузатиш олдидан берган ўнта насихатида руҳонийларни ўлдирмаслик ҳақидаги кўрсатмалари билан асослайди. Шундай бўлсада, аксарият фақиҳлар агар руҳоний ибодатхонани тарк этиб, жангда иштирок этиш учун чиқса, унинг дахлсизлик ҳуқуқи тугатилишига шубҳа қилмаганлар.

Фақиҳлар томонидан уруш билан боғлиқ масалаларда ҳунарманд, савдогар, деҳқон ва чорвадорлар каби ўз касб-кори билан машғул бўлган тоифаларга ҳам қурол билан таҳдид қилмаслик, уларнинг жонига омонлик бериш борасида фикрлар билдирилган. Бу масалада

фақиҳлар Муҳаммад (а.с.) ҳадислари ҳамда кейинги халифаларининг бу борада тутган йўлларини асос қилиб келтирганлар (Khadduri, 2008). Жумладан, халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) аскарларни жангга юбориш олдида аскарбошиларга деҳқонларни нишонга олишни тақиқловчи кўрсатмалар бергани Ибн Рушднинг «Бидоя ал-мухтаид» асарида ривоят қилинган.

Унда келтирилишича, Умар ибн Хаттоб (р.а.) аскарларга қарата, «Ўлжадан ўғирламанг! хиёнат қилманг, болаларни ўлдирманг ва деҳқонлар борасида Аллоҳдан қўрқинглар ва сизларга қарши уруш қилмагунча уларни ўлдирманглар», дея таъкидлаган (Ibn Rushd, 1982). Эътиборлиси шундаки, Умар (р.а.) деҳқонларни нишонга олиш тақиқланганини билдириш учун «Аллоҳдан қўрқинглар» ибораси билан аскарларга деҳқонларни нишонга олиш зулм эканини эслатган.

Уруш масаласида фикр билдирган фақиҳлар инсонийликка оид яна бир ҳолатга тўхталиб ўтишган. Маълумки, яқин ўтмишда Марказий Осиёда ҳаракатланган айрим экстремистик ва террорчи гуруҳлар томонидан ўз яқинлари, ака-укаларига нисбатан ҳам жиҳод эълон қилишга даъват этган ҳолатлари кузатилди. Ислому ҳуқуқида эса яқин қариндошлар жангнинг қарама-қарши томонида бўлсалар, мусулмон шахснинг бевосита ўз яқинлари билан жанг қилмаслиги мақсадга мувофиқ, деб топилади. Жумладан, фақиҳлар жанг пайтида мусулмонларнинг душман томонида жанг қилаётган қариндошларини нишонга олишини ёқтирмаганлар, чунки Муҳаммад (а.с.) Абу Бакр (р.а.)ни рақиб томонда туриб жанг қилаётган ўз ўғлини нишонга олишдан қайтарган эдилар.

Ислому ҳуқуқида жангда ўлдирилган душман жасадини қиймалаш ёки жасадга нисбатан қандайдир ҳақоратли ҳолатларни амалга оширишдан қайтарилади. Маълумки, Уҳуд жангида (3/625) кўплаб мусулмонларнинг жасадлари, жумладан, Пайғамбар (а.с.)нинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмуталлибнинг (568-625) ҳам жасади даҳшатли даражада қиймаланган эди. Шунинг учун мусулмонлар ҳам агар имконият бўлса, бу ҳолатга жавобан душманларнинг жасадларини майдалаб, қиймалашга ваъда беришганди. Бироқ, Қуръон каримнинг Наҳл сурасидаги «Агар, интиқом олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар, (интиқом олмай) сабр

қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир» (Наҳл сураси, 126-оят) ояти нозил бўлгач Муҳаммад (а.с.) мусулмонларни душман жасадига озор беришдан қайтардилар.

Хусусан, Пайғамбар (а.с.) урушга оид кўрсатмаларида: «Хоинлик қилманглар ва ўлдирилган жасадни кесманглар» (Anas, 1991), деб насиҳат қилганлар. Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб ҳам худди шундай кўрсатмаларни ўз қўшинларига берганди. Жумладан, Абу Бакр Яманнинг Ҳадрамавт шахридаги волиларидан бирига «Жасадни қиймалашдан эҳтиёт бўлинглар, чунки бу гуноҳ ва жирканч ишдир», деб ёзган эди (Шайбоний, 1997).

Қолаверса, ислому ҳуқуқида инсон эмас, ҳатто, ҳайвонларни ҳам қийноққа солиш ва азоблаб ўлдиришдан қайтарилган. Жумладан, Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда қўйини ерга ётқизиб, оёғини унинг юзига қўйиб олиб, пичоғини ўткирлаётган кишини кўрган Муҳаммад (а.с.) уни бу ишдан қайтариб: «Шу ишни олдин қилсанг бўлмайдами? Уни икки марта ўлдиришни хоҳлайсанми?!», деганлар (Қаҳел.).

Ҳадисларда келтирилган мана шундай очиқ кўрсатмаларга асосланиб, кўпчилик фақиҳлар жангларда инсонни азоблаш ва қийноққа солишни қатъий тақиқлаганлар. Шунингдек, «Ас-Сияр ал-кабир» асарида «Мевали дарахтларни кесма, хурмоларни ёкма, тоқларни чопма., мол, қўйлар ва бошқа ҳайвонларни ейишдан бошқа нарса учун сўйманглар», деган кўрсатмалар ҳам бор ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Абу Бакр (р.а.)нинг «Бузғунчилик қилманг, фасод ишларга қўл урманг», деган сўзларини ҳам келтиради (Сарахсий, 1997). Уруш ва низоли вазиятларда дарахтларни кесмаслик ва жонзотларни беҳудага сўймаслик ҳақида кўрсатма берган фақиҳлар душман бўлса ҳам унга инсонга хос муносабатда бўлишни талаб қилган.

Фақиҳлар томонидан жангда ўлдирилган душман танасини кесиш қораланган бўлсада, бу ҳаракат урушда ғалабага ёки урушнинг ниҳоясига сабаб бўлса, руҳсат деганлар (Al-Shawkānī, 1952). Бироқ, кесилган танани ғалаба белгиси сифатида бошқа ҳудудга олиб боришни тақиқлаганлар. Хусусан, бу ишни қоралаган Муҳаммад Шайбоний ўз фикрининг далили сифатида халифа Абу Бакр даврида Рим империяси таркибида бўлган Сурия қўшинлари қўмондони Яннак Битрикнинг боши мусулмонлар томонидан кесиб

халифа хузурига олиб келинганда бу ҳолатдан қаттиқ жаҳли чиққани ва бундай суннатга хилоф ишдан қайтаргани келтирилади (Шайбоний, 1997). «Ас-Сияр ал-кабир»да келтирилган бу вазият жангда вафот этган инсон танасини кесиш ислом ҳуқуқида тақиқланган амалиёт эканига кучли далил бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ислом ҳуқуқига кўра, ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгандан сўнг, душман жангчиларининг жасадлари агар улар талаб қилсалар, душманга топширилиши ёки мусулмонлар уларни дафн этишлари керак. Бир қанча ривоятларга кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) жасадлар мусулмонларники ёки уларнинг душманиники бўлишидан қатъи назар, ҳар доим ўликларни дафн қилишни таъминлаганлар.

Шунингдек, душманларнинг жасадларини топшириш эвазига бирор нарса талаб қилинмаслиги керак. Хандақ жангида Мадинага бостириб келган мусулмонларнинг душманларидан бўлган Навфал ибн Абдуллоҳ от билан хандақдан сакраб ўтмоқчи бўлганида вафот этди. Мусулмонларга Навфалнинг жасади эвазига пул таклиф қилинганда, Пайғамбар (а.с.) уларга ҳеч қандай эвазсиз топширган. Фақиҳлар уруш жараёнида шу каби суннатларга амал қилишни зарур, деб билишган. Фақиҳларнинг бу позицияси биринчи Женева конвенциясининг (1949) 17-моддасига ҳам мос келади (Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, 1949).

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам «ас-Сияр ал-кабир» асарида уруш ва низоли вазиятларда инсонийлик жиҳатларга алоҳида эътибор берган. Жумладан, уруш ҳаракатларида иштирок этмаган тинч аҳоли вакилларига тегмаслик, айниқса, аёллар, болалар, кексалар, руҳонийлар каби тоифиларнинг дахлсизлиги алоҳида урғу берганини кўриш мумкин (Сарахсий, 1997). Бу эса Муҳаммад Шайбоний ўз қарашлари билан замондан илгарилаб кетганига далолатдир. Чунки, бу қоидалар ҳозирги халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ҳам муҳим масалаларидан бўлиб, XX асрга келибгина ҳуқуқий ҳимоя остига олинди (А.Саидов, 2001).

Юқоридаги келтирилган маълумотлар ислом ҳуқуқида, айниқса, ҳанафий мазҳабида уруш

ва низоли вазиятлар билан боғлиқ масалалар жуда синчковлик билан тадқиқ этилгани ҳамда уларда инсонпарварлик тамойилларининг устун эканидан далолат беради. Жумладан, ҳанафий мазҳаби таълимотлари, хусусан, гуманитар ҳуқуқнинг замонавий принциплари билан уйғунлиги, уруш ва низоли вазиятларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилишини кўрсатади. Ҳанафий мазҳабидаги нормалар, тинч аҳолини ҳимоя қилиш, урушларни олдини олиш, жамоа тинчлигини таъминлашни мақсад қилиб олади.

Бундан ташқари, юқорида таҳлил этилган ҳанафий мазҳаби намояндаларининг қарашлари бугунги кунда динни байроқ қилиб дунёнинг турли ҳудудларида жанг олиб бораётган жангари гуруҳларнинг фаолияти ва илгари сураётган ғоялари ислом динида аниқ ва қатъий қораланишини кўрсатади. Ислом дини ҳар қандай зулм ва адолатсизликка қарши тинчлик, ахлоқ ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга интилади. Бу эса, ислом динининг тинчликпарварлиги ва гуманизмга бўлган эътиборини янада мустаҳкамлайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, Article 77. (12 August 1949 г.).
2. al-Dowudi., A. (2011). The Islamic Law of War. New York: Macmillan.
3. Al-Qarofi, A. i. (1994). Az-Zahira. Beirut: Dor al-Garb al-Islām.
4. Al-Qarofi, A. i.-3.-B.-G.-I.-B. (б.д.).
5. al-Shāfi'ī. (1962). al-Umm. Bayrut: Dār al- Āfāq al-Jadīdah.
6. Al-Shawkānī. (1952). Nayl al-Awtār. Qohira: Muṣṭafā al-Bābī al-Ḥalabī.
7. Anas, M. I. (1991). Muwaṭṭā. Bayrut: Mu'assasat al-Risāla.
8. Armstrong, K. (2006). Muhammad: Prophet for Our Time. London: Harper Collins.
9. Esposito, J. (2014). Unholy War. Terror in the name of Islam. Washington: Audible Studios.
10. Hammīdullāh, M. (1968). Muslim Conduct of State: Being a Treatise on Siyar. Lahore: Muhammad Ashraf.
11. Ibn Rushd, M. i. (1982). Bidāyah al-Mujtahid wa Nihāyah al-Muqtasid. Bayrut: Dār al-Fikr.
12. Khadduri. (2008). War and Peace. Virginia : AMS Press.
13. Qudāmah, I. (1928). Al-Mughnī. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.

14. R.Spencer. (2005). *The Politically Incorrect Guide to Islam (and the Crusades)*. Washington: Regnery.
15. Wikipedia. (б.д.). *The Genocide of the Bani Qurayza*. Получено из <https://exmuslim.org/genocide-of-the-bani-qurayza.html>.
16. А.Саидов. (2001). *Халқаро ҳуқуқ*. Тошкент: Адабиёт жамғармаси.
17. ал-Байҳақий, А. и. (1994). *Сунан ал-Байҳақий*. Макка: Мактаба Дор ал-Боз.
18. ал-Ғаззолий, М. (1997). *Ал-Восит* (Т. 7). Кохира: Дор ас-салам, 1997.
19. Каҳел., А. (б.д.). <http://www.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/14020-tabiati-asrashga-oid-10-ta-ilo-ij-k-rsatmalar>. Получено из Табиатни асрашга оид 10 та илохий кўрсатмалар.
20. Мансур, А. (2016). *Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири*. Тошкент: Тошкент ислом университети.
21. Мовардий, А. Х. (1994). *Ал-Ҳавиюл ал-кабийр*. Байрут: Дорул кутуб илмия.
22. Сарахсий. (1997). *Шарх ас-Сияр ал-кабир*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
23. Тошқулов, Ж. (2021). *Исломда халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари*. Тошкент: Complex Print.
24. Ҳишом, И. (1993). *Ас-Сира ан-набавийя*. Байрут: Муассаса ал-маъориф.
25. Шайбоний, М. (1997). *Ас-Сияр ал-кабир* (Т. 4). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
14. Spencer, R. (2005). *The Politically Incorrect Guide to Islam (and the Crusades)*. Washington: Regnery.
15. Wikipedia. (n.d.). *The Genocide of the Bani Qurayza*. Retrieved from <https://exmuslim.org/genocide-of-the-bani-qurayza.html>.
16. Saidov, A. (2001). *Xalqaro huquq*. Tashkent: Adabiyot Jamg'armasi.
17. al-Bayhaqi, A. I. (1994). *Sunan al-Bayhaqi*. Mecca: Maktaba Dar al-Boz.
18. al-Ghazzali, M. (1997). *al-Wasit* (Vol. 7). Cairo: Dar al-Salam.
19. Kahel, A. (n.d.). *Ten Divine Guidelines on Preserving Nature*. Retrieved from <http://www.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/14020-tabiati-asrashga-oid-10-ta-ilo-ij-k-rs-atmalar>.
20. Abdulaziz Mansur. (2016). *Qur'an Karim: Translation and Commentary of Meanings*. Tashkent: Tashkent Islamic University.
21. Mawardi, A. H. (1994). *al-Hawi al-Kabir*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
22. Sarakhsi. (1997). *Sharh as-Siyar al-Kabir*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
23. Toshqulov, J. (2021). *Islamda xalqaro munosabatlarni tartibga solishning huquqiy asoslari*. Tashkent: Complex Print.
24. Hisham, I. (1993). *as-Sira an-Nabawiyya*. Beirut: Mu'assasa al-Ma'arif.
25. Shaybani, M. (1997). *as-Siyar al-Kabir* (Vol. 4). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.

REFERENCES

1. Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, Article 77. (12 August 1949).
2. al-Dawudi, A. (2011). *The Islamic Law of War*. New York: Macmillan.
3. al-Qarafi, A. (1994). *Az-Zahira*. Beirut: Dar al-Gharb al-Islam.
4. al-Qarafi, A. (n.d.).
5. al-Shafi'i. (1962). *al-Umm*. Beirut: Dar al-Afaq al-Jadidah.
6. al-Shawkani. (1952). *Nayl al-Awtar*. Cairo: Mustafa al-Babi al-Halabi.
7. Anas, M. I. (1991). *Muwatta*. Beirut: Mu'assasat al-Risala.
8. Armstrong, K. (2006). *Muhammad: Prophet for Our Time*. London: Harper Collins.
9. Esposito, J. (2014). *Unholy War: Terror in the Name of Islam*. Washington: Audible Studios.
10. Hammidullah, M. (1968). *Muslim Conduct of State: Being a Treatise on Siyar*. Lahore: Muhammad Ashraf.
11. Ibn Rushd, M. I. (1982). *Bidayah al-Mujtahid wa Nihayah al-Muqtasid*. Beirut: Dar al-Fikr.
12. Khadduri. (2008). *War and Peace*. Virginia: AMS Press.
13. Qudamah, I. (1928). *al-Mughni*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Бунортма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.